

А Ж Р И М

(Ярашув институтини қўллаш муносабати билан жиноят ишини тугатиши ҳақида)

2022 йил апрель ойининг 27 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, Бешёғоч МФЙ биносидан очик суд мажлисида раислик қилувчи, туман судининг судьяси Ж.Курбанов, судья ёрдамчиси Х.Махмадиярованынг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Г.Хайдарованинг иштирокида, судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғли ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Д.Яквалходжиевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғлига оид №1-1006-2209/356-сонли жиноят иши юзасидан

Закиров Ботир Баходир ўғли (ZAKIROV BOTIR BAXODIR O'G'LI) 1991 йил 14 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси 36-а уйда рўйхатда туриб истиқомат қилувчи, айблов хулоса нусхасини ўз вақтида олган

нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Б.Закиров 2022 йил 04 февраль куни соат 16.00 ларда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Катта Дўмбираобод МФЙ, 1-тор кўчаси 2-уйда бўла туриб, аммаси Насретдинова Мархабо Ибрагимовна билан оилавий келишмовчилик юзасидан жанжаллашиб, жанжал вақтида М.Насретдинованинг чап кулоқ қисмига касддан уриб, тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2022 йил 24 февралдаги хулосасига кўра, жабрланувчи М.Насретдинованинг танасида соғлиғини қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Б.Закиров ўз айбига тўлиқ иқроп бўлиб, жабрланувчи М.Насретдиновадан кечирим сўраганлиги ҳамда қилган ишидан пушаймонда эканлигини, улар ўзаро ярашганликларини ва бир-бирларига ҳеч қандай даъволари йўқлигини эътиборга олиб, ушбу жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Насретдинова юқоридаги ҳолатни тасдиқлаб, ҳозирда Б.Закиров билан ярашганлиги, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ҳозирда соғлиғи яхши эканлиги, Б.Закиров



ундан кечирим сўраганлиги, етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Б.Закировнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, шунингдек жабрланувчи М.Насретдинованинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, иккала томон ҳам ярашув ҳақида ариза билан судга муурожаат қилганлигини инобатга олган ҳолда, жиноят иши юзасидан судланувчи Б.Закиров билан жабрланувчи М.Насретдинова ярашганлиги туфайли жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582-583, 585-586-моддаларига риоя қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида белгиланган жиноий ҳаракатларни содир қилишда судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғлига нисбатан бўлган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Насретдиновага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан 20 сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Курбанов



СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2022 йил апрель ойининг 27 кунини, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, Бешёғоч МФЙ биносида очиқ суд мажлисида раислик қилувчи, туман судининг судьяси Ж.Курбанов, судья ёрдамчиси Х.Махмадиярованынг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Г.Хайдарованинг иштирокида, судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғли ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Д.Яквалходжиевларнинг иштирокида, судланувчи Б.Закиров ва жабрланувчи М.Насретдиноваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғлига оид №1-1006-2209/356-сонли жиноят ишини кўришни бошлади.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Раислик қилувчи суд мажлиси котибига суд мажлисига таклиф қилинганлардан келган-келмаган шахслар тўғрисида ахборот беришни сўради.

Суд мажлиси котиби, суд мажлисига давлат айбловчиси Г.Хайдарова, судланувчи Закиров Ботир Баходир ўғли ва жабрланувчи М.Насретдинова келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилди ва кимлар давлат айбловчиси, ҳимоячи, суд мажлисининг котиби эканлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи айбланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 431-моддасидаги суд таркибига ёки тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтирди.

Раислик қилувчи судьяга, суд таркибига ёки тарафлардан бирортасига раддия қилиш бўйича тарафлар фикрларини сўради.

Давлат айбловчиси Г.Хайдарованинг фикри: - Суд таркибига ишонаман, эътирозим йўқ.

Судланувчи Б.Закировнинг фикри:

- Суд таркибига ишонаман, эътирозим йўқ.

Жабрланувчи М.Насретдинованинг фикри:

- Эътирозим йўқ.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи судланувчи Б.Закировнинг шахсини аниқлади ва ундан саволларга жавоб беришни сўради:



**Мен Закиров Ботир Баходир ўгли
(ZAKIROV BOTIR BAXODIR O`G`LI)**

1991 йил 14 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси 36-а уйда рўйхатда туриб истиқомат қилман

Раислик қилувчининг саволига судланувчи Б.Закировнинг жавоби:

- Руҳий томондан соғломман, ҳеч қаерда ҳисобда турмайман.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи судланувчи Б.Закировга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Раислик қилувчининг саволига судланувчи Б.Закировнинг жавоби:

- процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларимни тушундим.
- Раислик қилувчи жабрланувчи М.Насретдинованинг шахсини аниқлади.

Насретдинова Мархабо

Ибрагимовна, 1970 йил 21 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, оилали, Тошкент шаҳри, Янгихаёт тумани, Чоштепа маҳалласи, Ўзар 2 проезд 1-уйда рўйхатда туриб яшайман

- Жабрланувчининг шахсига доир бошқа саволлар бўлмади.
- Раислик қилувчи жабрланувчи М.Насретдинова га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Суд тергови бошланмасдан олдин, раислик этувчи тарафларда илтимослар бор ёки йўқлигини сўради.

Судланувчи судланувчи Б.Закировнинг илтимосномаси:

-

Мен ўз айбимга тўлиқ иқрорман, жабрланувчи М.Насретдиновадан кечирим сўрайман, ҳамда қилган



ишидан пушаймонда эканлигимни, биз ўзаро ярашганлигимизни ва бир-бирмизига ҳеч қандай даъвоимиз йўқлигини эътиборга олиб, ушбу жиноят ишини тугатишингизни сўрайман.

Судланувчи Б.Закировнинг илтимосномаси юзасидан жабрланувчи М.Насретдинованинг фикри:

-Дастлабки терговда берган кўрсатувларимни тасдиқлайман. Ҳозирда Б.Закировга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ. Менга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплаб берилди. Ҳозирда соғлигим яхши эканлигини ҳамда ўзаро ярашиб олганлигимиз сабабли Б.Закировга нисбатан жиноят ишини тугатишингизни сўрайман..

Раислик қилувчининг саволига жабрланувчи М.Насретдинова нинг жавоби:

- Менга етказилган зарар қоплаб берилди.
- Унга нисбатан ҳеч қандай моддий даъвоим йўқ.
- Менга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмади ва мен ихтиёрий равишда ярашувга розиман.

Раислик қилувчининг саволига судланувчи Закиров Ботир Баходир ўглининг жавоби:

- Жабрланувчи М.Насретдинованинг кўрсатувларини тасдиқлайман.

Раислик қилувчи тарафларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддаси талабларини тушунтириб, агарда тарафлар ярашадиган бўлса, айбланувчига нисбатан жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатилиши мумкинлигини, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан суд ярашувни тасдиқласа, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тўғрисида тушунтириш берди.

Тарафларда саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи давлат айбловчиси Г.Хайдаровага сўз берди.

Давлат айбловчиси Г.Хайдарованинг фикри:

- Хурматли раислик қилувчи, судланувчининг ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини, унга етказилган зарарнинг бартараф этилганлигини, ярашув ихтиёрийлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан судланувчига нисбатан жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, судланувчини жиноий жавобгарликдан озод этишингизни сўрайман.



Адвокат Д.Яквалходжиев фикри

Хурматли суд ҳимоям остидаги Б.Закировнинг илтимосномасини қаноатлантиришингизни сўрайман.

Тарафларда бошқа талаб ва илтимослар бўлмади.

Раислик қилувчи судья, суд ажримини чиқариш учун алоҳида хонага кириб кетди.

Раислик қилувчи алоҳида хонадан чиқиб, ажримнинг қарор қисмини ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ажримнинг мазмунини, унинг устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва унга ўз мулоҳазаларини бериш ҳуқуқларини тушунтирди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи

Суд мажлиси котиби

Маъсул судья: Курбанов Жаъфар Хайруллаевич

